



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Зихи исминг азим  
Раҳмонлику раҳимлигинг вожибут-таъзим.  
Исм – Сенинг исминг  
Ва раҳмонлик ва раҳимлик – Сенинг кисминг  
Сен – ганж ва офариниш – тилисминг.  
Исмнинг жамъи сифати – асмой хусно  
Раҳмонлик ва раҳимлигингга юз минг хамду сано.  
Раҳим хам Сен, Раҳмон хам Сен  
Азим хам Сен Субхон хам Сен.  
Субхоноллох! Не кибриё у азаматдур  
Ким, Сендан ўзгага вужуд итлоки бўхтон ва тухматдур.  
Зотинг каюми барҳак  
Вужудинг бокийи мутлак.  
Сендин ўзга мавжуд кўринганлар намуди бенамуд  
Балки нобуд номавжуд  
Вужуд ва мавжуддин Сен максуд.  
Таоло шаънука ва амма эхсонука ва ло илоҳи гайрука  
Ё вадуд ва маъбуди вожибул-вужуд.  
Хамд  
Илоҳи! Азамат ва жабарут Сенинг шаънингдадур  
Ва мулку малакут Сенинг хукму фармонингдадур.  
Азалиятингга бидоят йўк  
Ва абадиятингга хадду ниҳоят йўк.  
Даҳр гулшанида ҳар гиёҳу яфроғ Сенинг хамдингга зокир  
Ва сипехр анжуманида ҳар ҳарфу авроқ Сенинг неъматингга шокир.  
Жамолиятинг бўстонида секиз учмоқ бир райхони дилнавоз  
Жалолиятинг зиндонида етти тамуг бир самуми жонгудоз.  
Хашаматинг боргоҳида бир шамма меҳри мунир  
Ва санъатинг коргоҳида бир лавҳа сипехри асир.  
Юз бу оламча мавжуд этай десанг “қун фаяқун” иборати анга кофий  
Ва минг ончани маъдум этай десанг “хабоан мансуру” ишорати анга вофий.  
Ваҳдоният сифатида шарикун вазирдин мубарро

Ва фардоният сийратида волиду валаддин муарро.  
Илминг дарёсидин хар гавхар нужум дураридин покрок  
Мулкунг сахросидин хар лола куёш машъалидин оташнокрок.  
Бемонандлигингга “лайса камислихи шайъун” гувоҳи содик  
Бепайвандлигингга “лам ялид ва лам юлад” далили мувофик.  
Хар негаким ташбих килинса ўхшамассен  
Яхши бокилса ул Сендин дурур ва Сен ул эмассен.  
Хамдингда такаллум ахли тили косир  
Ва сипосингда мутакаллимлар ажздин мутахаййир.  
Бу бобда “лонухси саноан алайка” мазкур бўлур  
Хар неча балогат лофин урган дам урмаса маъзур бўлур.  
Наът  
Улки “кунту набийан ва одаму байнал-мои ваттин” мазмуни анбиёга мукаддамдир  
“Рахматан лил-оламийн ва хотамун – набийин мантуки била аларга муаххар ва хотамдур  
Хабиби хазрати илох Мухаммад расулуллох, соллаллоҳи алайҳи васалламдур.  
Юз йигирма тўрт минг анбиёи мурсал хилкатидин мурод ул ва барча Анга хайл  
Ва ўн секиз минг олам ихтироъидин максуд ул ва офариниш Анга туфайл.  
Нубувват тахтида хумоюн фарқи узра тож  
Анбиёу мурсал хайлида соҳибмеърож  
Аввалину охирин халқи Анинг шафоатиға мухтож.  
Буроки иноят Анинг маркаби улвий хироми  
Ва Жибрили хидоят Анинг пайки баркгоми  
Лайлатул-меърож Анинг шабистони  
Ва “ли маъоллоху вақтун” Анинг макоми.  
“Салавотуллоху алайҳи ва ало олихит-таййибин ва асхобихит-тохирин”.  
Муножот  
Илоҳи! Акрамул-акрамин – Сен ва мен гунохкор  
Илоҳи! Архамар-роҳимин – Сен ва мен тийрарўзгор.  
Илоҳи! Агарчи журму исёндин ўзга ишим йўк  
Аммо Сендин ўзга ҳам кишим йўк.  
Илоҳи! Йўк эрдим, бор эттинг  
Тифл эрдим улуглар жаргасиға коттинг  
Аммо нафсу хаво елидин зухдум ниҳолин ушоттин  
Ва офиятим хайлин ёзук сипоҳи турктозидин таркоттинг.  
Илоҳи! Ёмон афъолимдин паришонлигим чўктур  
Ва шум нафсимда пушаймонлик йўктур  
Мундок балолардин кутуларға уммидим сендин – ўктур.  
Илоҳи! Ўзлук ёмонлигимдин ўзлугум била ўта олмайдурмен  
Ва яхшилар этогин ёмонлигим уётидин тута олмайдурмен.  
Илоҳи! Йиллар ибодат килгонни рад килсанг ҳеч ким дахл кила олмас  
Ва карнлар исён килгонни қабул килсанг хикматин ҳеч киши била олмас.  
Илоҳи! Одам хилофот тахтининг муставжиби ўзиму бўлди  
Сенинг тақдиринг бўлмай шайтон муҳолифатининг сўзиму бўлди.  
Илоҳи! Бергувчисан ҳам фиску фуҷурни, ҳам зухд, ҳам варъани  
Аларнинг тухматин бир неча ожизга боғламок не яъни?

Илоҳи! Иноятингга умидворменким гуноҳим беҳаддур  
Ва раҳматингга сазоворменким хатою сахвум беаддаддур.  
Илоҳи! Дарду холимни ҳар кимга айтсам рад қилса, Сенга таважжух этгаймен  
Ва агар Сен рад қилсанг неткаймен ва кимга кеткаймен?  
Илоҳи! Сенинг йўлунгда туфроғ етса тўтиёдур  
Ва кесак йўлукса кимёдур  
Гайрингдин кизил олтин қора туфроғдек бекадру камбаходур.  
Илоҳи! Ёмонлигимдин агарчи кўп алашим бор  
Гамхорим Сен бўлсанг не гамим бор.  
Илоҳи! Дунё майли риштасин кўнглимдин уз  
Ва нафсоният тийралигида хидоят шамъи била Ўзунг сори йўл кўргуз.  
Илоҳи! Ул узун йўл ва катиг водийда иноятинг била йўлда  
Ва анинг катъида аёгим тойилса дастгирлигинг била қўлда.  
Илоҳи! Бу йўл сайрида шайтонни теграмга ёвутма  
Агар у адув йўл урса зуҳдумдин не келгай иноятингни ўқсутма.  
Илоҳи! Таквий бер, ки нафси гаддор анга забун бўлсун  
Вараъе насиб қил, ки шайтони нобакор боши анинг аёгида нигун бўлсун.  
Илоҳи! Гафлат уйқусидамен бедор қил  
Ва жаҳолат мастлигидамен хушёр қил.  
Илоҳи! Ул бедорликни огохликка еткур  
Ва бу хушёрликни беиштибоғликка уландур.  
Илоҳи! Душмандир шайтони хийланамоё манга  
Ва нафси худройдир қорфармоё манга  
Бу варталарда дастгир Сен бўлмасанг вай манга.  
Илоҳи! Агар ҳислатим эгридур ниятим туздур  
Бу жихатдин кўркинчим бордур аммо уммедим бирга юздур.  
Илоҳи! Агар афъолимга боксам уёт ўлтурур  
Ва Сенинг қарамингни соғинсам уммид танимга жон келтурур.  
Илоҳи! Сендин ёмонлиг келмас ва мендин яхшилиг  
Сен яхшисен ва мен ёмон, ҳар кимга ўзига муносибдур қилиг.  
Илоҳи! Тикан иши санчилмок учун ани қуйдурмак муносибдур  
Баҳор файзи ом учун анга гул мусоҳибдур.  
Илоҳи! Туфроғдин эл кўзига тийралик етар  
Ва қуёш ашъа била олам аҳлин кўзин равшан етар.  
Илоҳи! Такдир қилгонингни қилурга не ихтиёр  
Қилмасмен демакка қимнинг хадди бор?  
Илоҳи! Агарчи залолатка тушубмен аммо хидоятингга талабгормен  
Тамуг ўтига тушгали ёвушубмен аммо раҳматингдин умидвормен.  
Илоҳи! Уммидимни қарамингдин маъдум қилма  
Ва раҳматингни ҳалойикка ом қилгонда мени ҳам маҳрум қилма.  
Илоҳи! Агар дастгир сен бўлмасанг асо ҳамону ит ганжиси ҳамон  
Ва агар пардапўш сен бўлмасанг ридо ҳамону эшак аргамчиси ҳамон.  
Илоҳи! Тоатингга ҳавасим бор, аммо нафска забунмен  
Ибодатингга мултамасим бор, аммо гирифтори ишқу жунунмен.  
Илоҳи, лахву ҳаво майидин мастмен  
Ужбу риё жомидин майпарастмен

Бу дастовизлар била шайтонга ҳамдастмен.  
Илоҳи! Париузорларга мени девона килдинг  
Ва шамърухсорларга кўнглумни парвона килдинг  
Бу сабаблардин расволиг била оламга афсона килдинг.  
Илоҳи! Неча мусалсал зулф савдосидин бўйнымда (бўлгай) занжир  
Ва неча муанбар хол хаёлидин кўнглум асир  
Сенга тақдир бу навъ эрса менга не тадбир?  
Илоҳи! Кўнглум кишвари каро киприklar ясоли ягмосидин бузуктур  
Ва сабрим уйи гулранг узорлар хўйи-селидин йикуктур.  
Илоҳи! Хар оташин лаъл менинг ўт тушкан жонимдин намудор  
Ва хар сероб гунчада менинг кўп пайкон кўнглум шакли падидор  
Бу офатларнинг иложи Сенга осондур, менга душвор.  
Илоҳи! Шўҳи чобукларга (чвлонда) хар ён шитоб солурсан  
Ва аларнинг хар ён шитобидин менинг ошуфта кўнглумга хар дам изтироб солурсен.  
Илоҳи! Аларга ул шитобдин карор йўк  
Ва менга бу изтиробдин ихтиёр йўк.  
Илоҳи! Аларнинг дилраболиги хам Сендин  
Ва ошуфта кўнглумнинг мубталолиги хам Сендин.  
Илоҳи! Бирав хуснига малоҳат берурсен  
Ва анинг тузин менинг кўнглум жароҳатига сепурсен.  
Илоҳи! Бирав миҳаси нишин захролуд этарсен  
Ва анинг нўкин менинг яролиг бағримга санчарсен.  
Илоҳи! Шамъ хусни безанмаги хам Сендин  
Ва парвона жони ўртанмаги хам Сендин.  
Илоҳи! Гул узориға дилафрўзлик хам Сен бердинг  
Ва булбул фиғону зориға жигарсўзлук хам Сен бердинг.  
Агар кайси шамъи гулрух ишки ўтинким кўнглумга солдинг  
Парвона ва булбулдек сабру кароримни олдинг.  
Илоҳи! Агар ишк суубатидин базм туздум  
Ва май сели офатидин такво ва зухдум уйин буздум.  
Ул не май ичмак ва аёғ тутмак эрди  
Ким аёғ-аёғ кон ютмак эрди.  
Илоҳи! Агар хажр шиддатидин туганлар ўртадим  
Дину ислом мазраъида хирманлар ўртадим.  
Илоҳи! Агар хавасдин бош-аёғ яланг хар ён югурдум  
Бошдин-аёғим ёмон эрконин халойикка билдурдум.  
Илоҳи! Агар шавки жунундин кўксумга тош урдум  
Ул тош била нангу номусум шишасин синдурдум.  
Илоҳи! Гоҳи бу жунундин атфол тошин бошимга ёғдурдум  
Гоҳи ахбоб маломат нишин кўнглумга еткурдум.  
Илоҳи! Кайси исён тийралиги билаким офиятим юзи карормади  
Кайси бедод суубатиким мен каро юзлукка бормади.  
Илоҳи! Йигитлигим бу навъ хам катиг ўтти хам ачиг  
Карилигда юз катла ўзумни ўлтурсам не асиг?  
Илоҳи! Эмди хамким барчадин кечмак хаёлин килурмен  
Ўзлугум била кеча олмон якин билурмен.

Илоҳи! Андоқки бу балоларга солдинг куткор  
Ва андоқким бу ибтилоларга кюрдинг чикор.  
Илоҳи! Мен тавба килдим дегандин не суд?  
Сен тавба бергилки ҳам таввобсену ҳам маъбуд.  
Илоҳи! Намозеки эл бўлмагунча килмагаймен худнамолигдур  
Ва ул намоз учун хиркаю ридо худоройлигдур.  
Илоҳи! Ул намойишу оройишдин кўнглумни мубарро килгил  
Ва бу навъ шайтон либосидин пайкаримни муарро килгил.  
Илоҳи! Тоатка тавфик берсанг риёдин асра  
Ва ибодатка йўл кўргузсанг хатодин асра.  
Илоҳи! Ул тоатки, ужб келтургай кўнглумга ёвутма  
Ва ул маъсиятки, узрга еткургай тилимдин йирок тутма.  
Илоҳи! Беилож дардга алил килма  
Ва бемурувват номардга залил килма.  
Илоҳи! Беаслар мазаллатидин асра  
Ва бедиенатлар тухматидин асра.  
Илоҳи! Жохил суҳбатига побанд этма  
Ва арозил хашматига хожатманд этма.  
Илоҳи! Носипослар маломатидин йирок тут  
Ва хакношунослар хусусиятидин кирок тут.  
Илоҳи! Кўнглумни дарду шавкинг муҳаббати била овут  
Ва кўзумни надомат ашки селоби била равшан тут.  
Илоҳи! Тилимни неъмат бекиёсингга шокир айла  
Ва кўнглумни ҳамду сипосингга зокир айла.  
Илоҳи! Каламимга ҳамдинг рақамига машгуллуқ бер  
Ва рақамимга ҳалойик кўнглига макбуллуқ бер.  
Илоҳи! Замиримга худписандлигни ёвутма  
Ва хотиримни эл нафъи айбжўлигига тутма.  
Илоҳи! Хаёлимни ниёзу дард аҳлига мойил тут  
Ва ниёзим кўзун дардмандлар аёги туфроғи ила ёрут.  
Илоҳи! Подшоҳи исломни муслимин бошига туткул бардавом  
Яъни бандаларинг устига кўланкангни кил мустадом  
То шоҳу гадога дуоғўйлик килмиш бўлгаймен, вассалом!

\*\*\*

Хаддан зиёд мактовлар бўлсин у Яратгувчигақим, илмий қотиби ўзининг қудратли  
яратувчан қалами билан шарафли сўзлар тизмасини қоинот варақларига рақам қилди,  
тоқи дунёга қелганлар унинг ҳукми билан иш қўрғайлар ва яхшини ёмондан, қилар ишни  
қилмас ишдан фарқлай билгайлар.

Рубоий:

У шундай ҳокимки, эҳсони барчага баробардир,  
Фармони шохлар бошида барқарордир,  
Ҳукмида Куръони Қарим суралари битилгандир,  
Унда ёзилганларда фақат мўъжиза намоёндыр.

“(Унинг) улуглиги юксак ва неъматлари умумийдир”.

Ва чексиз дуруду (тахсину тасаннолар) бўлсин У юксалтирувчи Зотгақим, шариат  
муфтисининг қалами амри билан мактовли шариат ҳукмлари замон саҳифаларига

ёзилди, токи даврон эли Унинг яхши ишларга буюрганлари ва ёмон ишлардан кайтаришларига риоя қилган ҳолда хато ишлар содир этишдан ўзларини тийиб, савоб ишлар қилиш йўлида барқарор бўлгайлар.

Рубоий:

У шох сўзлари ёқимли ҳам қоидадир,  
Хар бир нуктаси унинг балогат намунасидир,  
Аллоҳ буюрган иши оламга элчилик қилишдир,  
Бу элчиликда юксак даража топиш адолат натижасидир.

(“Муншаот”дан бугунги тилимиздаги баён)

**Ўз камчиликларидан шарманда бўлиб, бу уятдан боши тубанлик тупроғига эгилганлиги юзасидан барча ҳожатларни амалга оширувчи ҳакам олдида муноҷот**

Ё Раббий! Ўз холимга ниҳоятда хайронман, ўта гуноҳкор ва масту паришон ҳолга тушган бир қимсаман! Чунки ҳаддан ташқари баланд нафсим туфайли қибру ҳавога мағлуб бўлдим, тўғрилиқни номақбул билиб, покликдан узоклашдим. Жонимга исён майидан мастлик пайдо бўлди, кўнглим фиск аҳлига ҳамдамлик қилди. Шум нафсим бошимга ҳар хил ҳавойи қайфиятлар солди, шайтон галалари ҳар ёндан менга хужум бошладилар. Бу тўдадан мен воқиф бўлганимга қадар, улар кўнглим мамлакатини остин-устун қилиб юборишмоқда.

Бир зулм қилувчи кўзимга чиройли кўриниб, ўзимни унга ошиқ, уни эса ўзимга маҳбуба деган эдим. Бу ёмон феълли маъшуқадан менга ҳар хил ситамлар етарди. У кўзимга кўрингач, ҳатто оҳ уриб ўзимдан кетиб қолган пайтларим ҳам бўлар эди. Унинг оловли лабларидан жонимга ўт тушди, сочи ва ҳолидан рўзгорим қорайиб кетди. У сўзлаганида тилим лол қолар, нозли жилваси эса аклимни олар эди. Унинг васлига етишмоқни ўзим учун ҳаёт, ҳажрини эса ўлим деб ҳисоблардим. Уларнинг биридан жоним осойиш топса, иккинчисидан жабр тортар эди... Сен Ўзинг воқифсан, мен ҳам чин сўзни айтайин: ҳажридан кўнглимга шунчалик кўп жабру зулм етардики, ҳатто факат унинг васлини ишташ учунгина Сени ёд этар эдим...

Аллоҳ! Аллоҳ! Ўзимнинг бундай бандалигимни эсласам, шармисорлик ўлдиради. Жаҳлда шунчалик юзқароликка йўл қўйдимки, булар кўзимга оламини қаро қилиб кўрсатмоқда. Эй ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ Тангри! Умримда бирон-бир рақат намозни ўтинчсиз қилмадим. Ҳаргиз кераклиқ тош бўлмаса, тупроққа бош қўймадим. Ўзимни қарам соҳиби кўрмаганимча гадога бирон-бир дирхам тутказмадим. Донолик билан эмас, балки қўлимда юз доналик тасбеҳ ушлаганимча номингни тилга олмадим. Бирор ишни ўз фойдамни кўзламай қилмадим, ўзимни мунофиқликдан холи деб билмадим. Шу сабабли мен қаби инсон, инсонгина эмас, деғу шайтон ҳам бўлмасин! Ўзимнинг бу янглиқ феъл-атворимдан жуда хижолатдаман, булар учун ҳар доим кўнглим тушқунликка тушади, дилим мудом гаш. Бу хил хижолатликлардан мен учун ҳаёт йўқ, чунки ҳар дам

уят ўлдириб ташлаяпти.

Бу иллатларки, айтиб ўтдим, ўзим уларнинг ҳеч бир иложини кила олмаяпман. Шунчалик мусибатга дучор бўлганманки, агар Сендан казо етса, кейин нима бўлишини билмайман.

Гарчи бу дардлар мен учун давосиз бўлса-да, лекин уларнинг дармони Сенга осондир.

Дардимга дармон иноят килгин, комил тавбага эришмоқ йўлини кўрсат. Адолат ва эҳсонингга мени сазовор кил ва золим нафсдан мени халос эт! Жонимда шавкинг шуъласини мавжуд кил, ундан ўзга ҳамма нарсани кўнглимдан чиқариб ташла!

Гарчи рух бадан ичра тутқун бўлса ҳам уни мушоҳада этиладиган куни кўйиб юбор. Токи бу куш сафарга мойил бўлиб, асл гулшан томон парвоз кила олсин. Чунки куш (инсон жони) учмоқ (жаннат маъносида) сари интилгани, тупрок эса (инсон танаси маъносида) тупрокка кўшилгани маъкул.

Килган ишларим хақида сўрок килиб, хитоб этган чоғингда Сен берган саволларга жавоб топа олмай колсам, мени хазин ахволга кўймай, тезда ўшани кошимга етқургилки, уни Сен “Шафиъул-музнабин” (гунохкорларнинг химоячиси) деб атагансан.

(“Лисонут-тайр”дан)

(Изоҳ: гунохкорнинг гунохлари баён этилганда булар хазрат Навоийга тегишли айблар, деб тушунилмасин.

Шоир бу муноҷотни асар қаҳрамони тилидан баён килган.)